


Биринчи
устуни



ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА ЙИГИЛИШ

Вазирлар Маҳкамасида зарар келтираётган корхоналар ҳужалиқ-молия фаолиятини куриб чиқиш бўйича ҳукумат комиссияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қoшидаги пул-кредит сийсати комиссиясининг қўшма мажлиси бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг уринбосарлари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, республика ва вилоят банклари, молия ва солиқ органлари раҳбарлари иштирок этдилар.

ЎҚУВЧИЛАРГА ИМТИЁЗ

«Ўзбексавдо» давлат-акционерлик уюшмаси ҳамда Ўзбекбирлашув бошқаруви жойларда мактаб бозорларини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Республикаимиз мактаб ўқувчилари учун «Ўзбексавдо» тизимида очилажак 230 дан зиёд ҳамда Ўзбекбирлашувнинг 480 га яқин мактаб бозорлари шу йилнинг 10 августидан 10 сентяб-ригача аҳоли хизматида бўлади.

«ПАХТА-БАНК»НИНГ ТАЪСИС МАЖЛИСИ

Ўзбекистон деҳқончилик саноат банки — «Ўздеҳқончиликсаноатбанк» негизида ташкил этилган «Пахта-банк»нинг таъсис мажлиси бўлди. Унда «Пахта-банк»нинг низоми қабул қилинди. Банк кенгаши ҳамда таъсис комиссияси аъзолари сайланди. Ж. Сайфидинов ихтисослаштирилган акционерлик тижорат «Пахта-банк» бошқарувининг раиси этиб сайланди.

Таъсис мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи уринбосари И. Журабеков сузга чиқди.

ХОЗИРЛИК

Маргилонда Истиклол байрамига тайёргарлик авжида. Бу ерда байрам арафасида 23 та савдо ва хизмат кўрсатиш расталари очилди, 50 хонадонли турар-жой биноси фойдаланишга топширилади, икки автобекат таъмирланади. Шаҳар санъаткорлари ҳам байрамга муносиб тўхфа тайёрлашмоқда.

ОРОЛБЎЙИ АХОЛИСИГА ЁРДАМ

Орол денгизи минтақаси аҳолиси-га ёрдам бериш бўйича янги халқаро лойиҳа тузилди. У «Аспера» деб юритилмоқда. Тошкентда, «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармасида шу лойиҳа билан таништириш маросими бўлди. Республика вазирликлари ва идораларининг, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, «ЮНИСЕФ» БМТ халқаро болалар жамғармасининг вакиллари шу ерда тулпанишди. Учрашувни «Экосан» жамғармасининг президенти профессор Ю. Шодиметов бошқарди.

ЎЗА ва матбуот хабарлари асосида тайёрланди

УШБУ
СОНДА

3-БЕТ
Ибрatли ҳикоятлар
4-БЕТ
Кетаяшман, ортимга
қарай-қарай

7-БЕТ
Аёллар нимани
хоҳлашади
8-БЕТ
Ҳожи хандон

Ўтмишдан садо

ИСКАНДАРНИНГ ҚАБРИ ҚАЕРДА?

Дунёда машхур шох Искандар Зулқарнайinni билмайдиган одам кам топилса керак. Аммо доврugi етти оламни тутган жаҳонгирнинг қабри, ҳоки қаерда эканлигини нафақат жамоатчилик, балки мутахассислар ҳам ҳа-нузгача яхши билишмас экан.

Афсоналарга кура, қолаверса айрим тарихий фактларга асосан Искандар улаётганида уни Мисрнинг Сива Оазис деган жойига дафн этишларини васият этган экан. Бироқ олимларнинг айтишларича, Искандарнинг қабри яқин замонларгача Мемфисда сақланиб, кейинчалик Искандарияга кучирилган эмиш. Шу тахминлар сабабли бугунги кунда унинг мақбараси қаерда эканлиги кўпчиликка ноаниқ бўлиб қолаверган.

Олти йиллик қатъий изланишлардан сўнг грек археологи Лиана Соувалтзи Искандарнинг қабри уша қадимги Сива Оазисда эканлигини эътироф этмоқда. У археологик қазилмаларни Сива Оазисдаги Зевс-Амон мақбараси яқинида амалга оширди. Археолог олима изланишлар жараёнида аллақандай қабрни топди. Тобут ёнига кираверишдаги эшик атрофида булакланган учта оҳақтошнинг топилиши эса олимада қизиқиш ҳосил қилди. Чунки тошчаларнинг булакларида қадимги грек ёзувидаги битик бор эди. Мутахассислар ёрдамида битикни ўқишга муваффақ бўлган Лиана калаванинг учини топгандай бўлди. Ажабланарлиси шундаки, тошлардан бирида Миср шоҳи Птолемей I нинг сузлари битилганди. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Птолемей I Искандарнинг буюк саркарда бўлишидаги илк устози эди. Айтишларича, Искандар устозининг доно сузлари битилган бу битикни ўлганида қабрига олиб кетишини айтган экан.

Буларга асосланган Лиана Соувалтзи Искандарнинг қабрини топганлигига тўла ишонч ҳосил қилиб турибди.

Ҳар ҳолда, шох Искандар у дунёга бум-бўш қўл билан эмас, устозининг қимматли битиклари билан кетган экан-да...

Муҳаммад АМИН сурати

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, ТИЖОРAT МУАССАСАЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ЭЪТИБОРИГА!

«Оила ва жамият» газетаси мухлисарга бой оилавий ҳафталик газетадир. Шунинг учун реклама ва эълонлар ҳамда билдирувларингизни «Оила ва жамият»да чоп этсангиз, тезда ҳождатингиз амалга ошиши мумкин.

Реклама ва эълонлар энг арзон келишилаган нархларда қабул қилинади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-бино.ин: 700078 «Оила ва жамият» газетаси.

Телефонлар: Бош муҳаррир 39-48-73, хатлар ва эълонлар бўлими 39-43-95

Алижон САФАРОВ

Сирдарё вилоятининг Бахт шаҳрида туманларо «Оналар ва болалар шифохонаси» фаолият кўрсатгани ҳақида эшитган эдик. Яқинда шу шифо маскани бош врач Убайдулла Мамарўзаев билан учрашиб, суҳбатда бўлдик, у ердаги шарт-шароитлар билан танишдик.

— Ҳеч иккиланмай айтишим мумкин, шифохонамиз мустақиллик медалларидан бири бўлди, — дейди Убайдулла ака. — Зеро, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлод тарбияси бош масалалар қаторида ҳукуматимизнинг диққат марказида турди. 180 уринга мулжалланган шифохонамиз 1993 йилнинг январь ойида ишга тушди.

Шифохонамиз МДХ, Польша, Олмония, Венгрия каби давлатлардан келтирилган замонавий тиббиёт техникаси воситалари билан жиҳозланган.

— Бу шифохонанинг бошқаларидан фарқи, ўзига хос томонлари нимада?

— Номидан ҳам кўриниб турибдики, бизнинг шифохонамизда оналар ва болалар уз соғлиқларини тиклашлари мумкин. Бизда асосан, туғиш ёшидаги, ҳомиладор аёллар даволанадилар. Шунингдек, кўзи ёриган аёллар учун реабилитация, яъни қайта тикланиш бўлими мавжуд. Маълумки, кўгина аёлларимиз камқонликдан азият чекадилар. Уларнинг кўзи ёриганда эса уларини анча олдириб қўядилар. Бундай аёллар тугруқхоналардан тугри бизнинг шифохонага жунатилади ва 20-25 кун давомида реабилитация бўлимида даволаниб, соғлиқларини қайта тиклайдилар. Қолаверса, турли сабабларга қўра нимжон бўлиб ёки муддатидан олдин туғилган чақалоқлар учун ҳам худди шундай бўлими мавжуд. Вилотимизда иккита болалар реанимацияси мавжуд бўлиб, бири Гулистонда, иккинчиси бизнинг шифохонамизда жойлашган.

— Аҳоли ўртасида профилактик тадбирларнинг, кўрикларнинг ўтказилиши ҳам катта аҳамиятга эга. Бунда даволанишга мухтожлар аниқланади, уларга ёрдам кўрсатилади. Шу йўналишда олиб бораётган ишларингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Жуда тугри таъкидладингиз, бундай кўрикларнинг аҳамияти катта. Шунинг назарда тутилган ҳолда уч йилдан бери тажрибали шифокорлардан кўча гу-

Соғлом авлод учун

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУҲОФАЗАСИДА

руҳлар тузиб, Сирдарё ва Сайхунбод туманларидаги туғиш ёшидаги аёлларни кўриклдан ўтказиб турибмиз. Ана шундай тадбир шу йил бошида Бахт шаҳрида ўтказилганда, 500 дан ошқ аёлларда камқонлик ва бошқа касалликлар аниқланди. Бу аёлларнинг барчаси шифохонамизда ётиб даволанишди. Ҳозир ҳам уларнинг соғлигини назорат қилиб турибмиз.

— Сир эмаски, сиз тилга олган камқонлик ва бошқа бир қатор касалликлар аёлларимиз ўртасида анча кенг тарқалган. Бунга қарши кураш нафадар қанчалик, кўп жихатдан аёлларнинг ўзларига ҳам боғлиқ эмасми?

— Халқимиз «қарс икки қўлдан чиқади» деб бежиз айтмаган. Афсуски, айрим аёллар уз соғлиқларига бепарво муносабатда бўладилар. Касалликларни аниқлаиб, шифохонага йўлланма берилганда томорқасида қанча иш қилиб кетишини, сигир-бўзқоқа қарайдиган одам йўқлигини вақт қилувчилар ҳам топиладилар.

Шу уринда яна бир гап. Баъзи аёлларга бундай касалманд ҳолда фарзанд кўриш тугилажак боланинг бошини ҳам касалдан чиқармай қўйиши мумкинлигини, фарзандлар орасидаги фарқ камиди уч йил бўлиши мақсадга мувофиқлигини тушунтиролмай хуноб бўламиз. Тугри, нечта фарзанд кўриш ҳар бир оиланинг шахсий иши. Аммо ана шу фарзандларнинг соғлом ва баркамол бўлишлари жамиятнинг, мамлакатнинг олдида турган вазифа. Қолаверса, ҳар бир она уз боласини икки ёшга тулгунга қадар эмизишининг фойдалари ҳақида муборак ҳадисларда ҳам айтиб ўтилган.

— «Оилани режалаштириш»ни сиз қандай тушунасиз?

— Менимча, оилани режалаштириш дегани қайси оила қанча фарзанд кўришини қатъий белгилаб қўйишни аниқлашдир. Бунинг маъноси оналар саломатлигини тиклаш ва шу орқали соғлом, элу юртининг қорига ярайдиган фарзандлар туғилишига эришиш учун ҳаракат қилишни билдиради, деб ўйлайман.

Беморни даволашда дори-дармонлар билан бирга шифокорнинг ширин сўзи, хуш муомаласи ҳам малҳам бўлади. Сиз раҳбарлик қилаётган шифохонада ҳам ана шундай врачлар, ҳамширалар кўп бўлса керак?

— Дарҳақиқат, беморнинг кўнгли нозик бўлади. Эҳтиётсизлик қилиб бир оғиз кўполроқ сўз айтиш ҳам унинг дилини ранжитиши, аҳолини оғирлатиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун биз врачларимизга, ҳамшираларга беморлар билан хуш муомалада, яхши муносабатда бўлишларини тез-тез таъкидлаб тураемиз.

Робияхон Пулатова, Нина Анохина, Муяссархон Мусурмонкулова каби тажрибали врачлар, катта ҳамшира Дусенгул Алжановалар шифохонамизнинг фахри. Дилфузахон Бобоевнинг олий ўқув юртини битириб ишга келганига эндигина икки йил бўлсада, дарров жамоамизда уз ўрнини топти. Менимча, шифохонамизда даволанган ҳар бир бемор бу шифокорлар ҳақида илқ сўзлар айтиши мумкин.

— Эшитишимча, шифохоналарнинг чет эллик шифокорларнинг ҳам назарига тушибди?

— АҚШнинг Калифорния штатидаги Сан Диего шаҳрида она сутининг таркибини, унинг бола соғлом ривожланишига таъсирини, болани она сутини билан тугри овқатлантириш масалаларини урганувчи махсус институт бор экан. Ана шу институтдан Ненси Пауэрс ва Мэри Крогерлар шифохонамизга таширф буюриб, уз билимлари, тажрибалари билан урқоқлашдилар, тиббий техника воситалари, дори-дармонлар

совға қилишди. Япониялик Кожии Ишихара исмли олим ҳам меҳмонимиз бўлди. У киши ҳам бизга яхши маслаҳатлар берди, юртига қайтиб боргач, ўзи раҳбарлик қилаётган шифохона номидан замонавий тиббиёт воситалари юборажигани билдирди.

— Шифокор сифатида нималар ҳақида кўп ўйлайсиз?

— Биз Ўзбекистоннинг бойликлари ҳақида гапирганимизда бир нарсани унутмаслигимиз керак: ҳар қандай давлатнинг энг катта бойлиги унинг фуқароларидир. Фуқаролари соғлом юрт буюк ва қудратли бўла олади. Шунинг учун кишиларимиз, айниқса муҳтарам аёлларимиз уларнинг ва фарзандларининг соғлиғи тугрисида кўпроқ қайғурсалар, шифокорларнинг маслаҳат ва кўрсатмаларига уз вақтида амал қилсалар, ана шунда қанча касалликлар чекинган, шифохоналарга мурожаат қилаётганларнинг сафи камайган бўларди.

— Суҳбатингиз учун раҳмат. Эл соғлиғи йўлидаги машаққатли ва савоби ишларингизда ривож тилаймиз.

Даврон БЕК суҳбатлашди



Сурхон томонларда

ОРҚА ЭШИК ҚАЧОН ЁПИЛАДИ

Яқинда хотинимнинг туғилган куни сабаб ойда десам лоф бўлар, йилда бир марта хуш кўрган таомимиз, қовурилган жүжа, «табака» ейиш учун Тўқимачилар саройи ёнидаги ошхонага бордик. Иқтисодий қийинчилик деган фикрнинг муболага эканлигига шу ерда амин бўлдим. Чунки ҳар бир «порсия»си 25-30 сўм турадиган қовурилган жүжадан одамлар килолаб олишмоқда эди. Орқа эшикдан келган бир киши мендан олдин 1400 сўмлик «табака» олди. Навбатда турганлар кўп, тирбанд, лекин шунга қарамасдан, орқа томондаги эшикдан лаганлар кетма-кет келиб кетарди. Ошпаз ва сотувчи биз навбатда турганлар қолиб, орқа эшикдан келаётган лаганларга хизмат қилишни қойиллатиб турибди. Яна иккита хотин қимларгадир хизмат кўрсатяпти шекилли, дам-бадам патнис кўтариб орқа эшикдан кириб-чиқмоқда. Шу пайт иккита милиционер қолиб қолган табака-

ни ҳам кўтара олишди-ю биз навбатдагиларнинг ризиқи яна кечикадиган бўлди. Орадан бир ярим соатлар чамаси вақт ўтди. Тоқати тоқ бўлган хотиним эса икки-уч маротаба келиб менга аччиқ қилиб ҳам кетди. Ниҳоят кейинги қозон очилди. Додинг-ни холангга айт дегандек, ошпаз билан сотувчи бизни кўрмаётгандек ўзи билан ўзи овра бўлиб ишларди. Бу эса биз навбатда турганларнинг асабини янада баттар таранглаштирди. Ун-ун беш кишидан кейин менинг навбатим ҳам келди. Лекин мени энди овқат ейиш эмас, балки «нега шунақа қилишади» деган савол мени ўз домига тортиган эди. Нега шунақа? «Орқа эшик»дагилар ҳам пулга олишармикан ёки бошқа бирор бир сабаб борми? Нега мен қаерга бормай — вокзалми, аэропортми, магазинми, бозорми, ҳатто ошхонада ҳам «орқа эшик» мавжуд. Наҳотки, биз иллатни йўқ қилаолмасак!

Эркин ЭШОНҚУЛОВ

ЕТТИ ДАРДНИНГ ШИФОСИ БОР

Хужаипок ота зиёратгоҳи Олтинсой туманида жойлашган. Тоглар оралигидаги бу макон неча асрлардан бери қанча минглаб одамларнинг дардларига малҳам бўлди. Тубсиз гордин шарқираб чиқадиған олтингуруртли сувнинг тери, ошқозон-ичак хасталикларига шифои комил эканлигини нуфузли олимлар исботлаб беришган. Ана шундай бебаҳо жойда зиёратчилар ва даволанувчилар учун бирон-бир шароит йўқ эди. Ҳар ким ўзича шароит яратиб оларди. Туман ҳокимияти ҳашар йўли билан — атиги қирқ беш кун ичида бу ерда даволаш маскани барпо этди. Эркаклар ва хотин-қизлар учун алоҳида ванналар қурилди. Дам олиш жойлари ташкил этилди. Яна бир нарсаси — бу муборак маконда биринчи марта электр чироқлари ёнди. Хужаипок ота даволаш масканининг очилиши катта тантаналарга айланиб кетди.

ДУНЁ ТОМОША ҚИЛАЁТГАН КЎРГАЗМА

Маълумки, шу йилнинг октябр ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил топган кўннинг 50 йиллиги нишонланади. Ана шу катта байрамга атаб Сур-

хондарё вилоят маданият жамғармаси БМТнинг Термиз шаҳридаги ваколатхонасида воҳа мусавирларининг ижодий ишларидан намуналар кўргазмасини ташкил этди. Кўргазмадан истеъдодли рассомлар Холбой Ҳасан угли, Турсунпулат Уроқов, Азамат Ҳотамов кабиларнинг асарлари кенг ўрин олган.

«ОМОН»НИНГ ДОРИЛАРИ АРЗОН

Шеробод туманида яшовчи доришунос Жўра Хидиров утган йили «Омон» деб номланган хусусий фирма очган эди. Фирма таркибига кирган учта дорихона Тошкент дори-дармон ишлаб чиқариш заводи, «Медиафарм» фирмаси билан шартнома тузиб, улардан дори-дармон, тиббий анжомлар олишни йўлга қўйди. Фирмадаги дори-дармонларнинг анча арзонлиги яққол сезилмоқда. Фирма шу йилнинг 6 ойида 32 минг сўм соф фойда олишга муваффақ бўлди. Доришунослар эса аввалгидан кўра кўпроқ маош олишяпти. Дори излаб йўлга чиққанлар Жўра Хидировнинг дорихоналарига бориб мурожаат қилишяпти.

Маҳмуд АБУЛҲАЙЗ
Сурхондарё вилояти

Пайгамбаримиз буюрадларки:
— Завқ ва ўйин-кулги орзуларини совутиб қуювчи нарса (ўлимни) кўп хотирланг!

Ҳадиснинг шарҳи бундай:
— Улимни кўп хотирлаб туринг — нафсингизнинг завқ ва ўйин-кулги га булган майли кесилсин. Шу тарика Оллоҳга юзланинг.

Ҳз. Ойша Пайгамбаримиздан сўрайди:

— Эй Оллоҳнинг Расули, шаҳидлар билан бирга йиғилишадиган бирон шахс борми?

Расулulloҳ:

— Ҳа, ҳар вақт кеча-кундуз йиғирма марта улимни хотирлаган кимса шаҳидлар билан бирга йиғилишади.

Улимни кўп хотирловчи киши шаҳидлар билан бирга йиғилишади. Чунки улимни кўп хотирлаган киши ўткинчи дунё ҳаётига мағрур бўлмайди, кимсанинг ҳақини емайди ва охират учун ҳозирлигини қилади. Улимдан гофил бўлмоқ эса кишини дунё завқларига чўмишга чорлайди.

— Мўминнинг ҳадяси улимдир.

Ҳадиснинг шарҳи бундай:

— Улим мўмин учун ҳадядир. Чунки, дунё мўмин учун бир нави зиндондир. Зеро, дунёда кўпдан-кўп машаққатларга мубтало бўлишдан қочиб бўлмайди. Шунинг учун мўмин қалбини маънос қилмасликка уринади, шаҳвоний майлларини сундириш ва шайтон васвасаларини бартараф этиш учун бир қатор қийинчиликларга қарши боради. Ноҳақлик ҳўк сурган дунёда бундай ҳаёт кечириш мўмин учун бир нави зиндон ҳаёти бўлади. Бундай ҳаётга нисбатан улим билан бир нави озодликка эришади. Мана шу озодлик унинг учун ҳақиқий ҳадядир.

— Улим ҳар мусулмон учун бир каффоратдир (қилинган гуноҳларни ювадиган бадалдир).

Пайгамбаримиз бу ҳадисда УЗИ ҲАМ, СУЗИ ҲАМ ТУГРИ, ҚҮЛИДАН ҲАМ, ТИЛИДАН ҲАМ КИМСАГА ЗАРАР КЕЛМАЙДИГАН, ПАЙГАМБАРИМИЗНИНГ ПОК АҲЛОҚИГА ЭГА БУЛГАН ҲАМДА КАТТА ВА КҮПДАН-КҮП ГУНОҲЛАР БИЛАН КИРЛАНМАГАН, фақатгина кичик ва арзимас хатолари булган ҲАҚИҚИЙ МУСУЛМОНЛАРНИ назарда тутганлар. Улим мана шу хил мусулмонларни гуноҳлар-

дан тозалайди, катта гуноҳлар қилмагани ва фарзларни ҳам адо этгани учун кичик ҳамда арзимас гуноҳларига каффорат бўлади.

Ото Хуросоний ҳикоя қилади:

— Бир кун пайгамбаримиз бир мажлис устига кирди. Мажлисдагилар қаҳ-қаҳ уриб кулаётгандилар. Расулulloҳ буюрдиларки:

— Завқ ва ўйин-кулги орзуларини бартараф қиладиган нарсани эсга олиб мажлисингизни муаттар қилинг.

Мажлисдагилар сўрашди:

— Нима у завқ ва ўйин-кулги орзу-

УЛИМНИ ХОТИРЛАШ

ларини бартараф қиладиган?

Буюрдиларки:

— Улим!

Анас ибн Молик ривоят қилади:

Расулulloҳ буюрдиларки:

— Улимни кўп хотирланг. Чунки улим гуноҳлардан поклайди, кишини ТАҚВО соҳиби қилади.

Яна Оллоҳ Расули буюрадиларки:

— Улимнинг ўғитчилиги кифоядир.

Бир кун пайгамбаримиз масжидга кетгандилар. У ерда бир гуруҳ жамоат гаплашиб-қулишиб ўтирарди. Пайгамбаримиз бу гуруҳга хитобан буюрдиларки:

— Улимни унутманг, улимни хотирланг. Борлигим қудрат қўлида булган Оллоҳнинг номига қасам ичиб айтаманки, агар менинг билганимни билсайдигингиз, оз қулиб, кўп йиғлардингиз.

Пайгамбаримизнинг ёнида бир одамдан гап очадилар ва мадҳу сано қиладилар. Расулulloҳ:

— Дустингиз улимни ёдга олармиди? — деб сўрайдилар.

Уни мадҳ этганлар: «Биз унинг ҳеч улимни ёдга олганини эшитмадик» деганда, Оллоҳ Расули:

— У ҳолда дустингиз сиз мадҳ этган даражада эмас, — деб буюрдилар.

Ибн Умар ҳикоя қилади:

— Бир кун биз, ўн киши, Расулulloҳни қургани боргандик. Орамизда-

ги ансорлардан бири дедики:

— Эй Оллоҳнинг Расули, инсонларнинг энг фаросатлиси ва энг шарафлиси кимлар?

Буюрдиларки:

— Улимни энг кўп ёдга олувчилар, энг кўп улимга ҳозирланган кишилар!.. Мана фаросатлилар, шарафлилар шулардир. Шулар дунёдан шараф билан ўтадилар ва охиратда ҳам шарафли уринни қўлга киритадилар.

Ҳасан Басрий дерки:

— Улим, дунё ҳаётини бир пул қил-

ди. Шу туфайли фаросатли инсонларга ҳеч қувониш учун имкон қолдирмади.

Роббий ибн Ҳойсам ҳам шундай дейди:

— Мўмин етишишни орзу қиладиган, улимдан ҳам ҳайрлироқ йўқотиш йўқ (Улим аслида бир йўқотишдан иборат, аммо мўмин унга етишишни орзу қилади, унинг учун бундай йўқотиш ҳар нарсадан ҳайрлироқдир).

Ҳикмат аҳлидан бири дўстига шундай хат ёзган экан:

— Эй биродар,

«кошки улсайдим» деб ёлвориб ҳам улолмайдиган қора кунларинг келмасдан бу дунёда улимдан эҳтиёт бул!»

Ибн Сийрийнинг ёнида улимдан гап очилса жисмонан ўлгандай бўлиб қоларди.

Халифа Умар ибн Абдулазиз ҳар кеча олимларни йиғар, биргаликда улимдан, қиёматдан ва охиратдан баҳслашардилар, сўнгра бамисоли олдиларида бир жаноза бордай йиғлардилар.

ри билан ясантисин!» дер эди. Расулulloҳ уларига ҳарид қилган тўрт дирҳамлик либосларини шу кишига ҳадя қилдилар. Сўнг бозорга қайтиб бориб, ҳамёнларида қолган тўрт дирҳамга бошқа қўйлақ олдилар.

Йўлда ҳалиги канизакни кўрдилар. Расулulloҳ сўради: «Нега уйингга кетмадинг?» Канизак жавоб берди: «Бозор айланиб нарса харид қилганимча қоронгу тушиб қолди. Хонадон соҳиби мени калтакламасмикан деб қўриқиб турибман». Ра-

дига дастурхон ёзиб, бор нарсаларини қўйиб, меҳмон қилдилар. Яна эҳсонлар бердилар. Кейин тавассутом билан: «Энди розимисиз?» деб сўрадилар. У киши пайгамбаримизнинг бошқалар қатори оддий ҳаёт кечиришларига амин бўлди, са-

ЎН ИККИ ДИРҲАМНИНГ БАРАКАСИ

Пайгамбаримиз Муҳаммад (САВ) ҳам-ма вақт оддий ҳаёт кечирардилар, халқ қатори, балки халқдан ҳам оддийроқ яшардилар. У киши хоҳ сўбатда, хоҳ таом ейишда, хоҳ кийинишда бўлсин, халқдан ажралиб туришни ёқтирмас эдилар. Уйларидо бирор нарса қўпайиб қолса, бева-бечораларга улашардилар.

Бир куни Расулulloҳ қўевлари Али ибн Абутолибга ўн икки дирҳам пул бериб: «Менга либос келтиргин», дедилар. Ҳазрат Али бозорга бориб ўн икки дирҳамлик либос келтирибдилар. Бу қўйлақ жуда чиройли бўлиб, саҳобаларнинг либосларидан яхшироқ эди. Расулulloҳ либосни кўздан кечириб дедилар: «Жуда яхши қўйлақ экан, лекин менга арзонроғи ярашади. Бунга алмаштириб келиш керак». Пайгамбаримизнинг узлари қўевлари билан бирга бордилар ва сотувчидан либосни алмаштириб беришини сўрадилар. Сотувчи арзонроқ либос тополмай, пулини қайтариб берди.

Бозор оралаб юриб, йиғламсираб турган бир канизакка дуч келдилар. Муҳаммад (САВ) ундан: «Не босадан йиғламан?» деб сўрадилар. Канизак деди: «Уй соҳиблари тўрт дирҳам пул бериб бозорга юборишган эди. Мен шу пулни йўқотиб қўйдим, энди уйга қайтиб боришга қўрқаяман». Расулulloҳ унга ҳамёнидан тўрт дирҳам олиб бердилар ва уйга боришини тайинладилар. Кейин бозор айланиб тўрт дирҳамлик либос харид қилдилар. Бозордан катта қўчага чиқишганда бир яланғоч кишини учратдилар. У ўтган-кетганга ялиниб: «Ким мени кийинтирса, Аллоҳ уни жаннат либосла-

ИБРАТЛИ ҲИКОЯТЛАР

сулulloҳ дедилар: «Юр, ўзим уйингга элтиб қўяман». Боргач, канизакнинг соҳибидан қизга озор бермасликни сўрадилар. Шунда хонадон соҳиби: «Ё, Расулulloҳ! Сизнинг хўрматингиз учун биз уни озод қилдик», деди.

Муҳаммад (САВ) қўевлари Алига қараб дедилар: «Ё, Али, кўрдингми, ўн икки дирҳам биз учун қанчалар баракали бўлди! Икки кийимсизни кийинтирди, бир бандани эса озод қилди».

МУРОСА

Мадинага келган бир араб пайгамбаримиздан бирор нарса беришларини сўради. У киши ёнларидо бор нарсаларини арабга бердилар. Лекин у ҳеч нарса олмагандай қаққайиб тураверди. Расулulloҳ сўрадилар: «Нима, етарли бўлмади-ми?» Араб деди: «Ҳа, бу эҳсонингиз кам. Ахир бу билан қаерга ҳам борардим». Шу ерда турган баъзи мусулманларнинг жаҳли қички, улар арабни ҳайдамоқчи бўлдилар. Пайгамбаримиз уларга танбех бериб, арабни уйларига олиб бордилар. Ол-

ховатларига қойил қолди ва деди: «Жуда миннатдорман! Аллоҳ умрингизни ва давлатингизни янада зиёда қилсин!» Расулulloҳ дедилар: «Жуда яхши! Аммо боя баъзи мусулман сиздан норози бўлишди. Ҳозир уларнинг қошига бораёлик ва сиз кўнглингиздаги гапларни айтиб, уларни ҳам хушнуд этинг».

Икковлари мусулмлар тўпчилиб турган жойга келишди ва Расулulloҳ дедилар: «Бу киши биздан норози бўлган эди. Биз келишиб олдик ва энди ўз миннатдорчиликларини билдирмоқдалар». У киши деди: «Аллоҳ сизларга ва оила аъзоларингизга баракат ато қилсин! Боя ноҳўя гаплар айтиб кўнглиларингизни ранжитганим учун узр сўрайман».

Расулulloҳ ва барча саҳобалар уни хушнудлик билан кузатиб қолишди.

САБР

Ибн Маҳбуб шундай ҳикоя қилади: Имом Содиқ билан бирга бир жанозада иштирок этдик. Ногаҳон Имомнинг қовушлари йиртилди ва бу қовушда юриш ўн-

Иброҳим Тамимий шундай дейди:

— Икки нарса мени дунё завқи ва ўйин-кулгисидан узди:

1—Улимни хотирламам,

2—Ҳисоб-китоб чоғида Оллоҳ хузурига чиқмоқ.

Қаённинг бир сўзи эса мана бундай:

— Улимни билганга дунё машаққат ва мусибатлари осон келади.

Хотинлардан бири Ҳз. Ойшанинг хузурига қиради ва ўз юрагининг тошлигидан шикоят қилади. Ҳз. Ойша, унга улимни кўп хотирлашни тавсия этади ва шундай қилган тақдирда юмшоқ қалби була олишини айтади. Хотин шундай қилади, ҳақиқатан юрагида бир ҳалимлик (юмшоқлик) ва салимлик (солломлик) пайдо бўлади. Сўнгра келиб, Ҳз. Ойшага ташаккур билдиради.

*) Коинот низоми бузилиб, қиёмат бошланганда бир тўда инсонлар улимни, ўлишни, йўқ бўлишни хоҳлайдилар, аммо улолмайдилар. Бу ҳақда Оллоҳнинг шундай буйруғи бор:

— Дарҳақиқат, биз сизларни яқин азобдан огоҳлангандик. У кунда киши ўзи қилиб ўтган нарсани кўрур. Кофир эса: «Эҳ, қоши эди тупроққа айланиб кетсам» деб қолур. (Набаъ сураси, оят: 40).

Миразиз АЪЗАМ таржамаси



гайсиз бўлиб қолди. Дўстларидан бири Имом Содиққа ўз қовушини келтириб: «Азият чекманг, мана бунга қийиб олинг», деди. Шунда Имом Содиқ дедилар: «Йў! Ҳар кимнинг нарсаси ўзининг ҳимоячиси. Бинобарин, қовушимиз йиртилиши керак экан, биз учун сабр қилиш лозим бўлади».

Қиссадан ҳисса шулки, Имом Содиқ (р. а.) ўзга кишининг қовушини қийиб роҳат қилишни хоҳламадилар. Зеро, сабр-сизлик қилиб ўзгани қийинчиликка қўйиш у кишининг табиатларига мос келмас эди.

БАРОБАР ВА БИРОДАР

Балхлик бир киши шундай ҳикоя қилади: бир сафарда Имом Ризо (р. а.) га ҳамроҳ бўлдим. Бир куни у киши дастурхон ёзишни буюрдилар ва суданлик қора қўларни ҳам чорладилар. Мен дедим: «Ҳа-башлардан дастурхонимизни алоҳида қилсак бўлармиди?» Имом Ризо дедилар: «Жим бўл, Аллоҳ қошида барчамиз бир-миз. Билсанг, улар ҳам, биз ҳам Одам Ато ва Момо Ҳавонинг авлодларимиз. Ҳамма инсонлар бирдирлар ва бир-бирларига дўст-биродар бўлмоғи лозимдир».

Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлади

Ў, момоларим-а!
Моможонларим-а!
"Хамма нарсанинг даво-
си — вақт", деб сиз айтган-
мисиз? Ҳар қалай, сиз де-
маган бўлсангиз-да, сиз-
нинг назарингиз тушган
одамлар деган бу гапни.
Йўқса мен, бир девонаи
дахрий шунчалик оми, шун-
чалик ақли ноқис бўламан-
ми? Инсон ақли ақлини та-
нимоғига, дунёвий ишлар
таоми таъмини татимоғига
нахотки ўттиз беш йил (қар-
ий умрининг ярми — яна
худо билади) зарур бўлса!
Эҳтимол, биз шундай ярал-
гандирми? Бошимиз урил-
магунча кўзимиз очилмай-
ди. Кўзи очилмай бошдан
жудо бўлганларимиз кам-
ми?!

Сизнинг кароматларин-
гиз туфайли ўз туғишган
жигаримни — опамни ту-
шунмоғим шунчалик мушкул
кечдики, етти ёт бегона
бўлганда ҳали-ҳануз тал-
мусираб юрган бўларми-
дим?

Рост гап, ўн-ўн беш йил
муқаддам опамнинг боши-
га огир кунлар тушганда
катта шоирми-ей, олимми-
ей бўлиш илинжида шаҳар-
ма-шаҳар тентираб юрад-
дим. Кўп нарсалардан ха-
барим бўлмаган. Эшитган-
ларимга ишонмаганман.
Опам ҳам менга айтмаган.
Айтиб нима ҳам қиларди:
ён-атрофидаги қўриб-билиб
турганларнинг боши гаран-
гу мен нима каромат кўр-
сатардим.

Ҳарқалай бугун ҳавойи
истакларга қўл силтаб етти
қат осмондан туғилган ту-
поғимга қайтдим — опам-
нинг ёнидаман. У ўтмиш хо-
тираларини эзилиб-эзилиб
сўзлайди. Кўнглим бузилиб
бузилиб тинглайверман.
Хотиралар у учун огир, мен
учун ҳам маҳзун, ҳам ма-
роқлидир.

"Энди тамом бўлдим, деб
ўйлагандим. Жойимдан ту-
ролмайман, тун бўйи алаҳ-
сираб чиқаман. Раҳматли
поччанг ҳам, Баҳромжон
ҳам (дўхтир акам) бошим-
дан жилишмайди. Узоқ-яқин
қариндошлар ҳам бирма-
бир келиб кетишмоқда.
Энамку уззу-кун ёнимда кўз
ёши тўқади. Кўзимга аллам-
балолар кўринади. Уқолдан
баданларим илма-тешик бў-
либ кетган. Ичмаган дорим,
олмаган муолажам қолма-
ди, ҳисоб. Ҳеч қайсиси наф
бермади. Охири узоқдан
бир мулла-табиб чакирди-
лар. У мени қирқ кун чил-
лага солди. Қирқинчи кун-
ми-ей, билмадим, бир кўй
буярган экан, сўйдилар. Та-
биб кўйинг бир коса кони-
ни олиб дераза раҳига —
парда ортига қўйганига кў-
зим тушди. Вужудимда
алақандай куч пайдо бўл-
ди. Худонинг қудратини қа-
рангки, бир йилдирки қи-
мирламай ётган одам, сак-
раб туриб дераза томон
отилдим. Ўшандаги ҳола-
тимни бир сезсангиз эди,
укагинам, шунчалик энгил
бўлдимки, гўё оёқларим
ерга тегмайди-учаётгандай-
ман. Кейин ташқарига —

ҳовлига чиқдим.

Тагин ичкарига қайтиб
кирдим. Шунда кўксимга
томдан бир нур тушди. Мо-
вий нур. Илкис тепага қара-
дим. Оппоқ либосда тўрт на-
фар қиз қўринди. Танишдек
туюлди, қаерда ва қачон кўр-
ганман, эслаёлмадим".

Зубайда опам ҳикоясини
тўхтатди. Анча муддат инда-
май ўтирди. Воқеа қизиқ
эди, тезроқ эшитгим келар-
ди. Аммо маъюсланиб ўтир-
ган опамни қисташга ўзимда
журъат тополмадим. У чой

ронийгача сизлаб гапирасан.
Биз отанга бир тош берган-
миз, ҳозир у Гавҳар амман-
нинг сандигида турибди.
Уни ол.

Хамма машмашалар кейин
бўлди. Каттақўрғонга ўзим
бораман, дедим. Хуллас,
акам эртасига янги чилди-
ма ва ойна олиб келди. Бу-
юмларни тўрга — уйнинг бур-
чагига қўйдилар. Мен пой-
гоҳда ўтирибман, лекин кў-
зим чилдирмада, бутун вуж-
удим билан унга интила-
йман. Чидаялмадим, ўрним-

жойида қандайдир белгими-
ей, ҳарфми-ей бор. Бояги
хатни олиб солиштираман.
Ундаги ҳарфларга ўхшаб ке-
тади..

"Бир куни хўжайиним бил-
лан чой ичиб ўтиргандик.
Бирдан пиққиллаб йиғлаб
юбордим. Ўзимни ҳеч тўхта-
толмайман. Хўжайиним ҳам
кўриб қолди. Нима бўлди
сенга, нега йиғлаяпсан, би-
рор жойинг огрияптими, дея
у халак. Мен эса баттар йи-
лайман, осмонга ишора қи-
либ, момоларимнинг бобо-

гизга зормидим, қарамай-
ман дедим. Раҳматли қа-
йнонам кузатиб турганди,
нимадандир жаҳли чиқди.
Қарамаса қарамасин, кел
томоғингни ўзим босиб кў-
яман, деб муолажа қила
кетди. Эртаси куни қайно-
намнинг бош бармоғи ли-
киллаб қолди. Ҳеч тўхтама-
йди денг. Охири кечирим
сўради. Париларингга қил-
ган ишим ёқмади, деди.
Тавбасини момоларимга
етказдим, қабул қилишди".

— Париларингизнинг қа-
ноти борми?

— Йўқ, айропланга ўхша-
ган юмалоқмий, чўзинчоқ-
мий бир нарсада келиша-
ди.

— Опажон, бу чархи каж-
рафтор бетини айланиб
ётгани-ётган. Бугун офтоб
шуъласи тегиб турган жой-
га эртага соя тутиши, зул-
мат чўкиши мумкин. Эрта-
индин кимдир келиб "Сен
одамларни алдаяпсан, ҳеч
қандай парилар ҳам, момо-
ларинг ҳам йўқ, мавжуд
бўлса бизга кўрсат уларни"
деса қандай исбот қилган
бўлардингиз?

— Билмасам укам. Одам-
ларни алдаб иймонимни
ютибманми?

Дарвоқе, мендан сўраса-
лар нима деган бўлардингиз?
Ёзганларимни қандай
исботлашим мумкин? Опам-
ни тушуниш мумкиндир, жо-
пан ёзувчиси Акутагава ҳам
айтганку ахир: "Бировни ҳи-
мо қилишдан кўра, ўзинг-
ни муҳофаза этиш мушкул-
роқдир. Кимки бу гапдан
шубҳаланса, адвокатларга
боқиб кўрсин" деб.

Сиз айтингчи, мен нима
деган бўлардим, опамнинг
парилари — менинг ҳам
муҳтарам моможонларим?!
Бирор нарса дейишим шар-
тмикин? Ахир мен опамни
ташвиқ қилиш учун қўлимга
қалам ушламадим. Қола-
верса, у менинг ҳимоямга
ҳам зор эмас. Унинг қўли-
дан шифо топан Қўро-
ботликларнинг узундан-узоқ
мудху саноларини санаб
ўтирмаганлигининг боиси
ҳам шунда. Бу ёзганларим-
нинг барчаси сирли олам-
даги синоатлар туфайли ту-
гилган ҳайрат ва ҳаяжон-
нинг инъикоси, холос. Шу
туфайли сиздан ҳам кечи-
рим сўрайман, моможонла-
рим. Мободо бирор сирин-
гизни элга ошкор қилиб
қўйган бўлсам, "бир қошиқ
қоним"дан ўтингиз, ҳаргиз
ҳеч кимга зиён-заҳматин-
гизни қўллангангиз, раво
кўрмангиз!

Э. БОЛИЕВ

DOVKAP

ёхуд самовий момоларим билан суҳбат

дамлаш баҳонасида даҳлиз-
га чиқиб кетди. Менинг кўз
ўнгимда оқ либосли ўша
тўртта қиз қотиб турарди. Тў-
сатдан "лента" алмашди —
рўпарамда афтини буришти-
риб Ҳожибой Тожибоев пай-
до бўлди:

— Танимадинг-а!

— Йўқ ака, танимадим,
эслолмаяпман.

— Шуда. Танимайсанда!

Эшик очилиб, опам кириб
келади. Дикқат билан унга
тикламан. Кўзлари қизариб-
ди — йиғлабди. Ҳайратлан-
ман. Тилим лол қотади. Эши-
тажак воқеаларнинг юки ки-
мирлатмай қўйган.

— Нима бўлди опа, мазан-
гиз йўқми? — дейман зўрга.

— Йўқ, худога шукр яхши-
ман, ҳозир чой олиб кири-
шади, — дейди у охишта.

Қизиқиш барибир устун-
лик қилади. Мавзуга қайтиш-
га ийманибгина яна ишора
қиламан.

— Агар уларни эслаёлма-
ётган бўлсангиз, айтмай қўя
қолинг, шартмас.

"Ҳа-я, эсим кўрсин, тани-
ёлмадим уларни. Кейин
ўзлари эслатишди. Биз сен
билан ўн саккиз ёшингда ҳам
учрашгандик, дейишди улар.
Аммо сен бизнинг айтганла-
римизни бажармадинг — йў-
лимизга киримадинг. Бешиқ-
даги болангнинг жони эва-
зига ўзинг тирик қолдинг".

Момоларим-а, бунча бе-
шафқат бўлмасангиз. Жазо-
ингизнинг бунчалик қаттикли-
ги тушига кирибдими опам-
нинг. Мен унинг олтимишга
кириб бепушт ўтганлигини
энди англаяпман. Тўғри,
қайта турмуш қурган, ўғай
бўлса-да, туққан фарзандла-
ридан азиз ва меҳрибон
ўғли, қизлари бор. Энам бе-
чора ҳаммамиздан ҳам кўра
шу опамни ўйлай-ўйлай ўтиб
кетдилар, бу дунёдан. Бу
қилмишларингиз марҳама-
тингизми, мукофотингизми,
жоҳиллик ёки жазоингизми,
ақлим етмайди.

"Энди биздан бошқа мар-
ҳамат кутма, айтганларимиз-
ни бажар, дейишди. Одам-
ларга айт, сени Довкар деб
аташсин. Ўзинг бешиқдаги
боладан тортиб, увада билан
томоғига сув томизаётган ну-

дан туриб қадам босишимни
биламан, чилдирма учиб ке-
либ қўлимга тушди. Кўриб
кетдим. Юрагим тушиб қол-
ди (силжиди демоқчи, табо-
батда бу бор гап). Тагин та-
биб чакирдилар. У учта йўл-
дан учта тош ва отнинг ки-
шанини толиб, оловда қизи-
диришни буюрди. Тошларни
дарров топиб келишди.
Аммо, кишан йўқ. Отимиз-
нинг кишани бўлғучи эди. Ки-
дирмаган жойимиз қолмади
— йўқ. Шунда яна ўша нур
пайдо бўлди ва парилар кў-
ринишди. Даҳлиздаги ўрага
қара, кишан ўша ерда деди-
лар. Даҳлизимизда сабзи кў-
милган ўра бор эди. Сабзи
тугагач, ўрага ҳамма нарса
ташланаверган. Хўжайиним-
га момоларим кишани ўра-
да дейишяпти, дедим. У ҳам
мени ақлдан озганга йўйди.
Қарангки, кишан ўша жойдан
топилди. Уларни қиздириб
тепамда сув қуйгач, бироз
ўзимга келдим".

Сўнгра опам ўрнидан ту-
риб, қўрпаларинг қатидан
бир қороз олиб менга тутди.
Бир парча қороз. Қанақадир
ёзувлар бор. Бизнинг ҳарф-
ларга ўхшаш ҳарфлар ҳам
учрайди. Арабчага ҳам ўхша-
майди. Опамга қараб елка
қисдим: тушунмадим.

"Парилар ўз исмларини
ёздирган эди. Арабча
ёзувини билмайдим, аммо
ўшанда ўнганда чапга қараб
ёзганлигим эсимда. Кейин
уни Раҳматулла махсумга
олиб бордим. Ўқийлмади.
Абдусалом муллага учраш-
дим, уям тушунмади. Лекин
ўзим ўқийман: Санам
пари, Бўғин пари..."

Ҳеч нарсага ақлим
етмайди. Худди эртақ
тинглаётгандайман.
Сўнгра опамдан Гавҳар
амманнинг сандигидан
топилган тошни сўрай-
ман. Худди тухумга
ўхшайди. Тош эмас,
шиша тухум. Фақат ки-
чикроқ, худди қаклик-
нинг тухумидай. Шунда
олимларимизнинг, ер
юмалоқ эмас, тухум
шаклидадир, деган гап-
лари ёдимга тушади.
Унга синчиклаб қарай
бошлаймам. Уч-тўрт

си ўлди, Авлиё ота қазо қил-
ди, қаранг, дейман. У тўрт
томонга аланглаб ҳеч нар-
сани кўрмайди. Мен эса ку-
затиб турибман, париларим
зор қакшаб бососини сўнгги
йўлга кузатишяпти. Чидаб
туролмайман, баттар йиғла-
йман. Поччанг эса, ақлдан
озибсан, деб уйдан чиқиб
кетди".

Мени эса хаёл домига
тортади. Ўқиганларимни,
эшитганларим ва кўрган-
билганларимни ўйлайман.
Тоз қишлоғидаги Очил мо-
мо, аймаклик синфдошим
(бор-йўғи учинчи синфни би-
тирди) Муҳаррам қўшнот,
самарқандлик Ҳасан табиб,
гилгиллар, бахшилар, турли
гап-сўзлару тазийқлар, био-
қувватли кишилар, ҳақиқий
фолбинлару турфа найран-
гбозлар кўз олдимдан ўта-
ди. Дард жонингга боров со-
либ тургандан кейин, истай-
санми, истамайсанми, ана
шуларнинг эшигини қоқиб
борасан. Агар шифо топсанг
тўрт-беш биродарингга
айтасанки, ана шу табиининг
қўли энгил экан, деб.
Айтмасанг ўзлари сўраб оли-
шади. Ишқилиб, найрангбо-
зига учрамасанг бўлгани...

— Сизни телба деб, устин-
гиздан кулганларида хафа
бўлмаганимиз?

"Иложим қанча. Хафа ҳам
бўлганман, йиғлаганман ҳам.
Бора-бора ҳаммаси тушу-
нишди, кўникишди. Бир ку-
ни қайин укам, чеча томо-
ғин огрияпти, қараб қўйинг,
деб 20 тийин тутаяпти. Алам
қилди. Мен сизнинг пулин-



Абдул Ғани Жума сурати

● Кўзгудаги ўзимиз

ФОЖЕАГА КИМ САБАБЧИ?

Нотабий бўлган ҳар бир воқеа албатта фожеага, ҳеч бўлмаса ҳаётдаги ноқулайликка сабаб бўлади. Шундайин ачинарли воқеани куйда ҳижоа қилмоқчимиз. Ушбу воқеадан ҳулосалар чиқариб, босаётган ёки босмоқчи бўлган қадамни бир дам тўхтаб, муҳоама қилмоқ эса газетхонлар ихтиёрига.

Ажаб, туғруқхонада кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа бўлганмиш. Бир аёл икки калла, учта қўл ва икки хил жинс белгилари бўлган бола туққанмиш...

Бу албатта миш-миш. Кўча-кўйда, давраларда ҳатто уйда ҳам шу гапни эшитавергач, шу миш-мишни аниқлаш мақсадида, район марказий шифохонасига бордим. Бош шифокор Фотима Бадалбоева билан учрашиб бор гапни айтдим ва воқеага аниқлик киритишини сўрадим.

— Тавба, яхши гапдан кўра, ёмон гап тез тарқалишига яна бир бор амин бўлдим, — дея гап бошлади Фотима опа. — Айтганларингизнинг ҳаммаси бўлмаса-да кўпи рост. Келинг, яхшисини олдин ўша туғруқда қатнашган шифокор билан гаплашсинг.

Фотима опа шундай дея телефон гўшагини кўтарди. Шифокор Турсуной Эмүрдованинг бўш вақти бор экан, тезда биз турган хонага келди.

БИР ТАНАДА ИККИ КАЛЛА?..

— Туғруқхонада ишлаётганимга ҳам мана 5 йил бўлибди. Турсуной опа оғир тин олиб яна гап

бошлади.

— Биласизми, бунақа воқеаларга шох бўлиш жуда оғир, айниқса, врач бўлсангиз. Чунки ҳаммасини бўлмаса-да, кўп асоратларни олдиндан биласиз. Ердам беришинг эса ҳеч иложи йўқ.

Ростданам, яқинда туғруқхонамизда шундай воқеа содир бўлди. Сабаби жуда кўп. Аввало, эр-хотин қариндошлар бир-бирига қуда бўлишади. Эри турмуш қургандан буён ичади. Энг ачинарлиси, эрининг отаси ҳам ашаддий ичувчилардан бўлган. Натижадан эса мана ҳабар топибсиз: бир жасада икки калла, учта қўл ва гермафродит (ҳам ўғиллик, ҳам қизлик) белгилари!

Хўш, бунинг учун кимни айбдор дейиш керак? Ота-онаними, шифокорларини ёки туғилиб яшамаган гўдакними? Г. исмли ўша аёлнинг худога бир айтгани бор экан. Йўқса, бола онасини ҳам ўзи билан олиб кетиши мумкин эди...

Турсуной опанинг асабийлашиб, куйиб-ёниб гапираётганини кўриб турибман, лекин қулоғимга унинг гаплари кирмайдими. Фарзанд кўриш олдиндан қилинажак озми-кўпми орзу-ҳаваслар, ҳиссиётлар, барчаси таниш бўлгани учун улар миямда айланаверади ва тўсатдан... ажиб шаклидаги гўдак!

Танамдаги қандайдир ёқимсиз титроқ ва муздек тер кўнгилга бу ерга келганимга пушаймонлар қилдирмоқчидек бўлаверади. Бу воқеани энди эсласамлик ва ҳатто қизиқиб ҳам кўрмаслик мумкинми дея бошлайман. Йўқ, энди ҳаммасидан бохабарман, қолганига қизиқмаслик, тўғрироғи, миямда айланаётган минг бир саволга жавоб топмасдан ке-

тиш нодонлик.

Яна бош шифокор Фотима Бадалбоева билан суҳбатладим. Суҳбат сўнгига кўнглим биров бўлса-да тинчигандай, таскин топгандек бўлди ва Фотима опанинг айтганларини сизларга ҳам етказишни жоиз деб билдим.

ЭРЛАРГА, ОТАЛАРГА ГАПИМ БОР

— Майли, шов-шув тарқалса, балки шунақа воқеалар камаярмиди. Бизнинг халқимиз жуда болажон, бунинг ҳамма билди. Лекин бир гуруҳ аёлларимиз эстрагенетал (камқонлик, буйрак ва юрак) касалликлари билан дард чекаётганини биллашармики? Жамиятга соғлом фарзанд бериш учун аввало аёлларимиз соғлом бўлиши керак. Бу гап фақат шир бўлиб қолмасдан, амалга ошсагина ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади. Бизнинг тажрибамизда қулғили, ўз ўрнида аянчли бир воқеа кўп қайтарилди. Баъзи аёллар 8-9 та фарзанди бўлса-да, ҳар йили туғруқхонага тушаверишади. Қизиқиб суриштирак, битта ўғил туғмаса бўлмасмиш. Дод дегинг келади, ахир ҳаёти қил учиди турибди-ю, ўғил туғишни ўйлайди. Наҳотки, тушуншмаса, ҳар бир туғилишдаги оралик 3 йил бўлиши керак. Туғилган бола уч йил кўрак сутидан озикланиши лозим.

Баъзи ҳомиладор аёлларни кўриб ачинасан киши. Ўзи танасидаги дардлардан аранг оёқ судраб юрибди-ю, аммо фарзанд кўриш ниятида. Ахир туғилган дардманд бола уни йикитади-ку. Аёллари-

миз ўз даридан халос бўлмасдан, фарзанд кўриш фожеага олиб келиши мумкинлигини ўйлаб кўришса яхши бўларди. Шу ўринда эрларга, оталарга ҳам айтадиган гапим бор. Агар соғлом, ақл-хушли авлод қолдириш умидида бўлсангиз, аввало эр-хотин соғлом бўлинг, ақл билан иш юритинг. Оилангизга аралашган ҳаром-ҳарис қилиқлар, бир кун келиб, фарзандларингизни бир умр ногирон қилиб қўйиши мумкин. Ногирон фарзандга термулиб эзилмайин десангиз, аввало аёлингизни авайланг, ҳалоллик оилада биринчи ўринда бўлиши керак.

Юқорида айтилган воқеага қайтадиган бўлсак, бу нафақат ўша оила учун, балки жамиятимиз учун ҳам фожеадир. Бунинг олдини олиш учун аввало қариндош-уруғлар ростданам фарзандларини бахтли қилишни ўйлашса, ўзаро қуда бўлмасликлари керак.

"Кўза кунда эмас, кунда синади" деганларидек бу ҳар қачон ҳам яхшиликка олиб келавермайди.

Сўнгги тўрт ой давомида айтилган воқеага ўхшаш нобоп туғилиш сони 6 тага етгани қайд этилди. Шундан тўрттасига қариндош-уруғчилик сабаб. Қолган иккитаси ичиш-чекиш ва ҳар хил касалликларни давлатмаслик оқибати.

Шунинг учун турмуш қуражак ёшлар албатта тиббий қуриқдан ўтишлари керак. Жойларда ташқил этилган "Оила ва никоҳ" марказларига учрашиб, маслаҳатлар олишса, фойдадан холи бўлмайди.

Ботир ЭРНАЗАР

● СОҒИНЧ

КЕТАЯПМАН,

Автобустан тушдим. Бир учи катта йўлга, иккинчиси Хўжақўрган қишлоғига туташ йўлнинг икки томонида туғлар саф тортиб турибди. Майин шаббода "юр мен билан" дегандек сочларимдан, этагимдан торқилайди. Тоза ҳавони тўйиб-тўйиб симирам. "Қандай яхши-я, қишлоқ ҳавоси", беихтиёр ҳаёлимдан шу фикр ўтди. Қишлоғим ҳавоси узоқда қолиб кетган аразу кекни, ёлгонларни, носамимийликни кўнглимдан ҳайдаб чиқаради. Кўнглим, кўнглимга қўшилиб ўзим ҳам юксала бораман. Бутун вужудимни, юрагимни меҳрумуҳаббат, соғинч яна ҳам қаттиқроқ бағрига босади.

Йўлнинг қоқ ўртасида кетиб бора-

япман. Фаҳраман: "Бу менинг қишлоғим, киндик қоним тўкилган тупроқ".

Бироз юрганимдан сўнг Башандоғ қишлоғи бошланди. Нигоҳларим ҳар бир дарахтни, уйни, ариқни, оқаётган сувни, ўт-ўланларни, дов-дарах-тларни эркалайди, бағрига босади.

Ана бир қизча мени кўрди-ю, кўзлари чарақлаб кетди. Югуриб дарвозадан кириб кетди ва кўп ўтмай опасини, акасини, укаларини эргаштириб чиқди. "Ассалому алайкум" дейди улар бирин-кетин, полапонлардек чуғурлашиб. Уларнинг юз-кўзларидан ўзимга нисбатан ҳайратнинг, ҳаваснинг сувратини кўрам.

"Вой, Ойгулмисан, бормисан қизим?" — дейди иккинчи ҳовлидан чиқиб келган аёл. Кўюк сўрашамиз. "Ким бўлди экан, бу аёл?... Топдим, Назира синфдошимнинг онаси".

Бир тўп болалар "варрак" учуриб юришибди. Яланг оёқларини, баданларини қуёш иссиғи қўйдираётгани парволарига ҳам келмайди. Гўё дунёда фақат қувонч бордек.

Дарвоза олдида иккита қизалоқ шеър айтишарди:

Янга, янга,
Ўчоқ бошида танга.
Танга тумолаб кетди,
Пишак қуволаб кетди.

Шеърларини тинглаб кўнглимда ажиб оромни, осойишталикни, лаззатни туяман. Ортимга қарай-қарай улардан узоқлашаман.

"Ўзингга шукур, ажаб эмаски, шу шеър айтётган болалар ичидан эл таниган шоирлар чиқса... Дарвоқе, шеър, адабиёт, адабиёт ўқитувчим". Ҳаёлим мени узоққа—мактаб даврига етаклаб кетади.

... Синфхона. Ғала-говур. Муаллим кириб шовқин анча сусайди. Ўқитув-

чи сўради: "Қани, ким уйга берилган вазифани бажарди". Ўқувчиларнинг ярмидан кўпи қўлини кўтарди. "Муаллим, мендан сўранг, муаллим мен ба-жардим"

дея чуғурлашади.

Ўқитувчи биринчи партада ўтирган ниҳолдеккина қизни доскага чиқаради.

Қиз деразадан ташқарига қарайди. Ўрик оппоқ гуллаган. У нигоҳини ўриқка қадайд. Ва шеърини ёддан

ҚАРАЙ-

айта бошлайди:

Новдаларни бегаб гунчалар,
Тонгда айти ҳаёт отини.
Ва шаббода қургур илк саҳар
Олиб кетди гўлнинг тотини...

Шеър тугади. У синфхонага боқди. Синфдошларининг кўзлари унга қадалган. Барчаси шеър лаззатидан маст. Хонада пашша учса билинадиган сукунат ҳукмрон. Ўқитувчининг столига боқди ва ҳайрон қолди. Ўқитувчиси йўқ эди. Унинг кўзлари муаллимни излади, топди. У синфхонанинг деворига суянганча турибди. Ҳаёлларини шеър аллақерларга етаклаб кетган. Кимнингдир сўзи чакмоқдай бўлиб сукунатни тилиб юборди: "Маллим, яна шеър айтсин". Унинг овози ўқувчиларни хушига келтирди.

Қиз ҳам илинж билан ўқитувчисига боқади. Муаллимнинг ўтинч тўла нигоҳидан кўнгидаги сўзини ўқиди: "Майли айт". Қиз хурсанд бўлди ва "Жангчи Турсун" балладасини бошлади.



Кейинги дарс. "Ким Жамила, Фофур монологини ёдлади". Кўпчилик қўл кўтарди. Муаллим журналга қарайди. "Хўш... Яна синфхонага назар солади. Ўзига умид билан қараб турган кўзларга қўзи тушиди-ю, "майли кўнгли чўкмасин айта, қолсин", деган ўйга борди.

Ўша, биринчи партада ўтирган қиз яна доскага чиқди. Кўзлари синф бурчагига боқди. Жамиланинг зор-

ҚАРАЙ

зор йиғлаб тургани кўзига кўринди, унга раҳми келди. Жамила ўрнида ўзини тасаввур қилди: "Қўш эдим қанотимни қайирдилар, гўл эдим бўл-булимдан айирдилар..." Сўнг иккинчисини айтди.

Танаффусда дугонаси Мастон сўз қотди: "Сен монологини айтаяпсан-у, мен эса сен қараб турган жойга шубҳаланиб қараб-қараб кўяман. Дугонам ўша ердан ўқияптимикан деб. Чунки ҳечам адашмадинг-да". Ўша биринчи партада ўтирган ниҳолдеккина қиз мен эдим...

Соғинчлар, хотиралар қуршовида уйимиз томон юраман.

ойгул

● РЕЙТИНГ

Статистик маълумотларга кўра кейинги йилларда Фарбий Европа мамлакатларига 15 миллиондан кўпроқ муҳожирлар борган. Қуйидаги жадвалда эса муҳожирларнинг туб аҳолига нисбатан йиллик ўсиш даражаси келтирилган.

Мамлакатлар муҳожирлар туб аҳоли

1. Германия	3,32%	1,30%
2. Швейцария	3,32%	2, 55%
3. Люксембург	3,24%	0,80%
4. Норвегия	2,33%	1,45%
5. Швеция	1,76%	0,94%
6. Австрия	1,32%	0,15%
7. Италия	1,17%	0,98%

ТУЗНИНГ ЎЗИ КИФОЯ

Пийез арчгандан ёки балиқ то-
залагандан сўнг қўлингизни туз
билан ишқаласангиз, нохуш
ҳид йўқолади.

Помидор тамати турган бан-
канинг оғзи очиқ булса, унинг
устига туз сепиб, озгина ўсим-
лик ёгидан қуйсангиз, устки
қатламини моғор босмайди.

Грелка ичидаги сув узоқ ва-
қт иссиқ турсин десангиз, унга
озгина туз қўшинг.

Агар ювилган кирларни крах-
малламоқчи булсангиз, унга оз-

гина туз ҳам қўшинг. Шунда
ювилган кирлар ялтираб чиқади.
Ф. КАРИМБЕРГАНОВА
тайёрлади.

КАЙФИЯТИНГИЗНИ ЯХШИЛАШНИ ИСТАСАНГИЗ

Аэробика ёки гимнастика ма-
шқларини бажариб булгач, мия
фаолиятини мустақамловчи
туркум машқларга ҳам 5-10
дақиқа вақтингизни ажратинг.
Бу машқларни мунтазам бажар-
иб борсангиз миангиз кун
буйи чарчамайди, ўзингиз ор-
тиқча ҳиссиётлардан ҳоли бў-
ласиз. Машқларни утирган
ҳолда ёки ётиб бажариш мум-
кин.

1-машқ: 100 дан 1 гача са-
нанг.

2-машқ: алифбо буйича ҳар
бир ҳарфга сўз топинг (а-анор,
б-беҳи, в-вақт каби).

3-машқ: угил болаларнинг йи-
гирмата исмини айтинг.

4-машқ: қиз болаларнинг йи-
гирмата исмини айтинг.

5-машқ: ҳар бирига сон қўйиб
йигирмата турли хил таомлар-
ни (биринчи — лағмон, иккин-
чи — шўрва, учинчи — сомса
каби).

6-машқ: алифбонинг бирор
ҳарфи билан бошланадиган йи-
гирмата сўзни сон қўйиб айти-
нг (биринчи — айиқ, иккинчи
— анор, учинчи — анҳор каби).

7-машқ: энди кўзларингизни
юмиб йигирмагача сананг.

Б. ТУРҒУНОВ тайёрлаган

ДЕРАЗА

ҲАМЁНИНГ КЎТАРСА ЎҚИ!

Россиядаги кўпгина олий ўқув
юртларида билим олиш учун тала-
балар пул тулашлари керак бўла-
ди. Масалан, Москвадаги Европа
Ҳуқуқ университетида ўқиш учун
кундузги бўлимда йилига 1500, сир-
тки бўлимда эса 600 доллар ту-
лаш лозим. Одатда ўқиш бепул бўл-
ган Москва давлат университетида
ҳам пули купроғу, билими сал кам-
роқлар учун пуллик гуруҳлар мав-
жуд. Бу гуруҳларда ўқишнинг йил-
лик баҳоси 6,6 миллион рублга те-
нг. Урал давлат иқтисодиёт универ-
ситетининг молия факультетига қа-
бул қилинган талабалар беш йил-
лик ўқиш учун олдиндан 55 мил-
лион рубл тулашлари керак.

АВТОМОБИЛДАН САКЛАНИНГ!

Ўтган йили Москва шаҳридаги
автомобилларнинг умумий миқдо-
ри яна 250 мингга ортган. Шунга
мос равишда ҳавога заҳарли газ-
ларнинг чиқиши ҳам кўпаймоқда.
Москва шаҳар табиат қўмитасининг
маълумотларига қара, 1994 йил-
да автомобиллар атмосферага 70
минг тоннага яқин заҳарли модда-
ларни чиқариб юборган. Айниқса,
Варшава, Можайск шосселарида,
шаҳар марказида, Таганка майдо-
нида, Курск вокзали атрофида ҳа-
вонинг заҳарланиш миқдори хал-
қаро белгиланган нормалардан 10-
25 марта ортиқ бўлмоқда.

ВАБОДАН ҲАМ ХАВФЛИРОҚ

Йил бошида врачлар Россияни-
нг Нижегород вилоятида вабо ва
сил касалликлари эпидемияси бў-
лиши мумкинлигини тахмин қилган
эдилар. Бунга қарши чоралар ҳам
қўрилди. Лекин вилоят аҳолиси бо-
шига қўтилмаган бу касалликлар-
дан хавфлироқ офат ёғилди. Қўзи-
қорин мавсуми бошланиши билан
заҳарли қўзиқорин истеъмол қилиб
шифохонага тушаётганлар ҳақида
ташвишли хабарлар тарқалди. Шу
кунларда қўзиқориндан заҳарлан-
ганларнинг тўққиз нафари вафот
этди.

ҚАЙИШ — ТАРБИЯ ВОСИТАСИ(МИ?)

Свердловск вилоятидаги Камен-
ск-Уралск шаҳрида яшовчи болар-
лар уртасида «Ота-оналарингиз
тарбия воситаси сифатида сўкиш
ва калтақдан тез-тез фойдаланиб
туришадими?» деган мавзуда суров
утказилди. Суровда қатнашган бо-
лаларнинг 40 фоизи ота-оналари
тез-тез калтақлаб туришини айтиш-
ган. Бунда қайиш, супурги, туфли,
китоб, хуллас қўлга илинган нарсалар
тарбия воситаси ролини уйнаб
экан. 81 фоиз болаларни эса ота-
оналари қўпол, ёзиб бўлмайдиган
сўзлар билан сўкиб туришар экан.

Суровда қатнашган болаларни-
нг аксарияти бундай йўллар билан
тарбия бериб бўлмайдиган деган ф-
крни билдиришди.

ЙЎЛИ ТОПИЛДИ

Қозғистоннинг Қарағанда шаҳ-
ридаги тиш даволаш шифохонала-
рида анчадан бери медицина эк-
тиёжлариغا ишлатиладиган пахта
ва дока муаммо бўлиб келаётган
эди. Шаҳардаги шифохоналарнинг
бирида бу масалани осонгина ҳал
этишди. Энди врачлар беморлар-
нинг олиб ташланган тиши ўрнига
қонни тўхтатиш учун пахта ёки до-
ка бўлаги ўрнига қўпчиликка ре-
лама орқали яхши таниш бўлган
«Тампакс» номли аёлларнинг гиги-
еник тампонини қўйишмоқда.

Хорижий матбуот хабарлари
асосида тайёрланди



ТАБРИКЛАЙМИЗ



Янгийул ту-
мани А. Орти-
қов қишлоқ со-
ветининг раиси
**Нортожи Тир-
кашевни** 40
ёшга киргани
билан табрик-
лаймиз. Узоқ умр, катта оила-
вий бахт, ишда омад тилаймиз.
К. Қўрғонбоев, М. Исомов, Р.
Шарипов, М. Ёқубов, Б. Зоки-
ров, З. Иброҳимов, А. Қодиров,
С. Тожибоев



Қизалогим
Хаёхон!
Сени 15 авгу-
ст кунини 1 ёшга
тулишинг билан
табриклаймиз.
Бахтимизга ҳа-
миша соғ-сало-
мат ва қувноқ бўлиб юргин.
ойижонинг Олмаҳон Султонова
даданг Наби Раҳмонов
аканг Рустам Раҳмонов
*** **

ОИЛА

лашни, қўшиқ айтишни ёқтираман.
Спорт билан шуғулланаман. Бўйим
175 см. вазн 70 кг.

20-25 ёшлардаги, уйли-жойли, олий
маълумотли, мустақил фикрлайдиган,
гузал ва хушбичим, турмуш қурмаган
ёки айрим сабабларга қара ажралиш-
ган ўзбек миллатига мансуб тошк-
етлик қиз билан танишиб оила қу-
риш ниятидаман.

ОИЛА — 417

Маълумоти олий (ёки бирон хунар
эгаси бўлган), имкон қадар ичмайди-
ган, чекмайдиган, уйланмаган сам-
мий, меҳрибон, замонавий, тушунган,
ёши 27-31 атрофидаги ҳолис ва са-
доқатли дўст, оқил маслаҳатгўй, мус-
тақам суянчик бўла оладиган, мод-
дий жиҳатдан таъминланган, одоб-аҳ-
лоқли йигит билан танишиб оила қу-
риш ниятида.

Сурат ва мактубларингизни кута-
ди.

ОИЛА — 418

«ФУТБОЛ — ҚУВОНЧИМ, ДАРДИМ, ФАХРИМ»

УЛАР 17 КИШИ ЭДИ

1979 йилнинг 11 августи — барчамизга маълум бўлган ва республикамиз ҳар бир аҳолиси юрагининг бир парчасини юлиб кетган кун тобора узоқлашиб бораётгандай туюлади. Лекин у бизнинг нигоҳимиздан қанчалик йироқлашмасин, хотирамиздан бир зум ҳам учмайди. Айнан уша қора кунда 17 нафар пахтакорчи авиация ҳалокати туфайли оламдан куз юмган эди.

Ун етти пахтакорчининг бири, аниқроғи уларнинг энг ёши Сирожиддин Бозоров Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги Навоий номи жамоа ҳужалиги ҳудудда тутилиб воғая етди. Уч йилдан буюн мана шу ҳужалида Сирожиддин Бозоров хотирасига бағишлаб республика турнири ўтказилган. Турнирни ташкил этишда ва юқори савияда ўтказишда болалар ва ўсмирлар мактаби директори, катта истеъод эгаси Эшқувват Улутовнинг хизматлари катта бўлмоқда. Қолаверса, Сирожиддин таълим олган 35-мактабга унинг номи берилди, ҳайкали ўрнатилди.

Кейинги йилларда республикамизда «Пахтакор — 79» жамоаси ҳамда унинг аъзолари хотирасини абадилаштириш борасида бир қанча савобли ишлар амалга оширилмоқда:

— Узбекистонда «Пахтакор — 79» ҳайрия жамғармаси ўз фаолиятини бошлади;

— Республика миаллий чемпионатининг олий лигасида қатнашаётган командалардан бирига «Пахтакор — 79» номи берилди;

— Мастерлар командалари ўртасида «Пахтакор — 79» республика турнири ўтказилмоқда;

— 1979 йилда тугилган болалар ўртасида ҳам хотира турнири бўлиб ўтди;

— Бухорода Равил Ағнишев ва Владимир Соборов, Самарқанда биз юқорида эста олган Сирожиддин Бозоров, Ўшда Николай Куликов, Тошкент вилоятида Олим Аширов ва Михаил Ан хотира турнирлари ўтказилмоқда.

Ана шу сингари эътиборли мусобақалардан бири Тошкент вилояти Урта-Чирчиқ туманидаги Киров номи тажриба ҳужалиги стадионида ўтказилиб келинаётган Владимир Федоров хотирасига бағиш-

ланган турнирдир. «Пахтакор» жамоасининг еркин ҳужумчиларидан бири, ёшлар ўртасида Европа чемпиони, Олимпиада ўйинларининг бронза медали совриндори Владимир Федоровнинг болалик йиллари айнан шу қишлоқда ўтган. Хотира турнири қулар би азойиб футболчининг отаси — Уруш қатнашчиси Иван Федоров билан суҳбатлашдик:

— Аввало, ўшбу турнирни ташкил этаётган барча фидойи кишиларга оиламиз номидан қўқур миннатдорчилик билдирмоқчиман. Уғлим Володя ёшлитидан тиришқоқ эди. Футболга келганда эса у ўшбу спорт турнири жондан севарди, кўп вақтини стадионда ўтказарди. Володя улайиб пахтакорчилик сафида уйнай бошлаганда оиламиз аъзолари ва қариндош-уруғлар бошимиз омонга етгудек хурсанд бўлган эдик.

Европа ва Олимпиада ўйинларига қатнашувчи, собик СССР терма жамоаси таркибига жаҳон кезиш биларни айниқса қувонтирарди. Минг афсусли, авиация ҳалокати оқибатида пахтакорчилар бу оламдан куз юмдилар. Мана бундай ўсмирлар турнирининг ўтказилиши менинг кўнглимни янада кутаради, худди ана шу болалар орасида ўз уғлимни кўргандай бўлман, руҳим анча енгил тартади. Мен еш футболчиларга ҳар соҳала омад тилайман, истагим шуки, уларнинг орасидан ҳам худди менинг уғлим Володяга ўхшаган катта истеъод эгалари етишиб чиқсин.

Футбол бўйича республика тоифасидаги ҳакам Борис Ким турнир иштирокчилари бўлган командаларни, яъни Қозғистон ва Алматы вилояти терма жамоалари, Алматы болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, Тошкентнинг «Старт» команиси, Қизил Ўрда болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда Киров номи жамоа ҳужалиги еш футболчиларини майдонга таклиф этади. Шу ҳужалик қасаба уюммаси раиси Маҳкам Муртозев, Уруш фахрийиси Иван Федоров ҳамда Алматы болалар ва ўсмирлар махсус спорт мактаби директори, спорт устаси Валерий Малигин мусобақа қатнашчиларини қизгин табриқлайдилар. Қизқарди учрашувлардан сўнг Эшвер Ваневс раҳбарлигидаги майдон эгалари зафар кўчишди.

Владимир Федоров хотира турнири энди анъанавий бўлади.

1992
й и л
м а й
ойида
Узбе-
кис-
тоне-
с и ,
«Спо-
рт» рў-
номаси
ҳамда
Навоий
вилоя-
ти теле-
видени-
сеси билан



Михаил Ан ўша кунлари собиқ мамлакат терма командаси йигинига қақирланлиги сабабли расмга тушмай қолган.

«Пахтакор» жамоасининг моҳир ҳужумчиси Шўҳрат Эшбутаев хотирасига бағишланган спорт ва санъат талбири ўтказилди.

Шўҳратнинг болалик ва ўсмирлик йиллари ўтган хонадонда. Ховлидаги сури устида бу катта оила аъзолари бир пиела чой устида суҳбатлашиб ўтиришди. Илтимосимиз билан Шўҳратни биринчи футбол ўйнашга ўргатган устози Александр Зарбеев ўз хотираларини сўзлаб берди:

— Шўҳратжон ҳар доим команданинг олдинги чизикларида бўлишга ҳаракат қиларди. У айниқса бир қатор футболчиларни алдаб ўтишни яхши қурарди. Кейинчалик уни олиб Республика Олимпиада ўринбосарлари тайерлаш билим юртига олиб бордим. Шўҳратжон имтиҳонларни муваффақиятли топишиб ўқишга қабул қилинди. Ушанда мен Шўҳратжонга тилла соат совға қилган эдим. Ушанда устоз шогирд, ҳеч кимга билдирмаган ҳолда, келажакда жаҳон биринчилиги каби мусобақаларда иштирок этишни оруз қилган эдик. Афсусли орзулар ушаймай қолди, Шўҳратжон эндигона «Пахтакор»га қабул қилинган йили мангу уйқуга кетди. Узингиз сезиб турган бўсангиз ке-

рак, соғлигим унчалик яхши эмас. Лекин шундай бўлишга қарамасдан Шўҳрат Эшбутаевдай шогирд етиштира олганимдан беҳад хурсандман.

Навоий шаҳар архитектура бошқармаси бошлиғи Шавкат уйчан ҳалдда укаси ҳақида сўзлайди:

— Мана ҳадемай ўша машғум воқеага ҳам 16 йил бўлади. Ҳеч ишонгим келмайди. Укамнинг таплари, сўзлари, мактабга, билим юртига бораётган дақиқалари куз унингдан кетмайди. Дарслан озгина буш вақт топса ҳам, тезроқ уйга чопарди. Ота-оналаримизга, бизларга қўздан келганча ердам берадиган серҳаракат асл ўспирин эди. Мен узининг катта уғлими Шўҳратжон деб исм қўйшм. Илоҳим тақдир ухшамасин, лекин Шўҳратжондек ақли, одобли, покиза йигит бўлиб етишсин.

Тошкент — Минск рейсида ҳалок бўлганлар беғуноҳ ва баноҳқ кўрбонлардир. Уларни эсласан, кўз олдига ҳаётга алиндо айтганларининг бағри қон қондошлари ва жондошлари келади. Куйиб кетган еш жонларнинг ўлим билан олишган лаҳзалари келади.

Ахбор ИМОМХУҲАЕВ:

Республикамизда олти йилдан буюн 1979 йилда тугилган еш футболчилар ўртасида пахтакорчилар порлоқ хотирасига бағишланган мусобақалар ўтказиб келинмоқда.

Бу йилги «Хотира-95» Халқаро турнирида Россия, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, ушунгидек, «Прогресс» Зарафшон, «Хотира» Ўйчи, БУСМ Самарқанд ҳамда Тошкентнинг «Пахтакор», «Ўқимачи», МХСК-2, ОУБЮ командалари иштирок этмоқда. Финал учрашув 11 август кунини ўтказилади.

АЁЛЛАР НИМАНИ ХОҲЛАШАДИ?

Французларнинг «Фигаро» журнали фаранг аёллари ўртасида ана шундай тадқиқот ўтказилганда...

1.10 та аёлдан 9 таси эркеклар ўзларининг ички дунёсига эътибор беришини хоҳлашган.

2.10 тадан 7 таси эркекларнинг духи, одекалонлардан фойдаланишларини маъқул кў-

ришган.

3. Аёлларнинг 4 тадан 3 таси эркекларнинг ишдан шахсий ҳаётини устун қўйишларини исташган.


4. 10 та аёлдан 4 таси кўпчилик эркекларнинг ташқи жиҳатдан гузаллари қалбан гузал бўлишолмайди, деб ҳисоблашган.

5. 10 тадан 4 та аёл эса эркекларнинг ички дунёсини иккинчи даражали нарса деб қарашган.

6. 70 фоиз аёллар шахсий ҳаётдаги ташаббусни аёл ўз қўлига олгандагина, аёлларнинг турмушдан кўнглилари тўлиши мумкин, деб ҳисоблаганлар.

Жавоблардан балки бизнинг эркеклар ҳам ўзларига тегишли баъзи бир ҳулосаларни чиқариб олишар. Чунки эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин-да...

А.САФАРОВ тайёрлади



Қилмиш-қидирмиш

ТЎЙНИ АЗАГА АЙЛАНТИРГАН «АЗАМАТ».

Бировнинг хурсандчилиги кунини гам-кулфатга айлантириш гуноҳи азим ҳисобланади.

Аммо, Андижон вилояти Жалолқудуқ туманидаги «Ойим» ширкат ҳужалигида яшовчи 20 ёшли Ш. Абдусаматов ўз ҳамқишлоғининг тўйини бузиб катта гуноҳга қолди. Гуноҳи: ўзаро жанжал оқибатида ўз тенгдошини ўлдириб қўйгани учун қотил деган тавқи лаънатни буйнига илди.

«ПУЛДАН ЧЎЗ»...

Жиззах вилоятининг Пахтакор туманидаги Узумчилик давлат ҳужалигида яшовчи 36 ёшли киши туман ички ишлар бўлимига келиб дардини дастурхон қилди. Эмишчи, 2 та йигит — Равшанов ва Нуралиев ундан 5000 сўм талаб қилибди, «пулдан чўз, бўлмаса каллангни ола-миз» дейишибди.

Зуровонлар 5000 сўмни олаётганида ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди.

«КУ-КУКУ» ЛАСАНГ КЎРАСАН...

Н. Кукулас ва Д. Ковшовларни тергов қилиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, улар тап

тортмай хонадон соҳибларини қўрқитиб қимматбаҳо буюмларини олишаркан. Жабрдийдаларга эса: «Мабодо бу воқеа ҳақида бирон жойда ку-куласангиз нақд...» деб қўрқитишаркан.

Дарҳақиқат, Яккасарой тумани ички ишлар ходимлари бу икки йигитнинг «ку-ку»ласанг уласан» қабилдаги иш фаолиятларини урганиш жараёнида Зайнитдиновани ҳам дубинка ва қизиган дазмол билан қўрқитиб «Чайка» телевизори, электрон соати ва 100 сўм пулини олиб кетишганлигини ҳам аниқлади. Эндиликда бу икки «аэр» терговчилар олдида қилган ишлари бўйича ку-кулашапти.

ТАВЛЕТОВНИНГ ДАВЛАТИ

Қозғистоннинг Актюбинск шаҳрида яшовчи Тавлетов деган кимса катта бир давлат топгандек оғзи қўлигида бўлиб поездда кетаётганди. Самарқандлик милиция ходимлари унинг бу шодлиги боиси билан қизиқиб қолди. Оғзи қўлигида бекорга етмаган экан, унинг ёнидан 750 грамм қора дори топилди. Энди бойлар ҳам йиғлайдиган бўлди.

Шўҳрат РЎЗИЕВ
ИИБ матбуот маркази ходими



Азиз кулгисеварлар!

Элимизнинг машҳур қизиқчиси Ҳожибой Тожибоевни сизларга батафсил таништиришнинг ҳожати йўқ. Бу ном аллақачон кулгисеварлар қалбидан мустаҳкам жой олган. Бу номни эшитиш билан беихтиёр кишининг кўнглида кулгу, юзида табассум пайдо бўлади. Унинг кулги билан кулиб саҳнага чиққанига салкам 20 йил бўлаяпти. У — «Қизиқчи-90» республика кўрик танловининг мутлоқ ғолиби, республика Ёшлар иттифоқи мукофотининг лауреати, машҳур санъаткор Соиб Хўжаев номидаги мукофот совриндори. Ҳали худо соғлиқ, куч-қувват берса унвону мукофотларининг кўпайиши аниқ. Муҳтарам опамиз Кибрийё Қаҳҳорова ибораси билан айтганда: «Саксондан ошгандаям жағ бақувват бўлса бўлди».

Ҳожибой Тожибоевнинг репертуари халқчил. Шу боис унинг ҳар бир ҳангомаси томошабинлар дилига кўчади, давраларга файз беради. У фақат кулдирмайди, кулдириб ўйлатади. Нимадан, нега кулаётганингизни кулиб бўлганингиздан сўнг аңғайсиз.

«Оила ва жамият» таҳририяти машҳур қизиқчи ҳамкорлигида «Ҳожи хандон» саҳифасини мунтазам муштарийлар ҳукмига ҳавола этишни лозим топди. Ҳожибой Тожибоев ҳар бир янги ҳажвий ҳангомасини дастлаб мазкур газета саҳифаларида ёритишга чин дилдан рози бўлди ва қатъий ваъда берди.

Куйида «Ҳожи хандон»нинг илк саҳифасини эътиборингизга ҳавола этамиз. Уни баҳолаш муштарийлар ихтиёрида. Саҳифада Ҳожибой Тожибоев билан бўлган суҳбат ва ҳангомалар билан танишасиз.

Суҳбатимизни Ҳожибой Тожибоев «ПАРИШОНХОТИР» ҳангомаси билан бошлаб берди:

— Бир бемор невропатолог врачнинг ҳузурига келиб: «Духтир, мани даволамасангиз бўлмайди. Ман склероз бўлиб қолдим. Ўзбекчасига парижонхотир бўлса керак. Ҳатто ўзимнинг отимам эсимдан чиқиб қолаяпти. Кеча хотинимдан сўраб билиб олдим. Бир овқат есам деңг, ейвурман, ейвурман, ёрилиб кетай дейман. Бир ухласам тамом, ухлайверман, ухлайверман, уйғониш эсимдан чиқиб кетади. Агар уйда хотин бўлмаса бир ҳафтаям ухлайверман. Духтир ишонмайсиз, тунов кун нафас олиш эсимдан чиқиб қолди. Бир минутча нима эсимдан чиқиб қолганини уйлаб ётдим. Билсам, нафас олмаётган эканман. Кейин нафас олиб тирик қолдим. Улишимга озгина қолди-я! Шунақа духтир, мани даволамасангиз бўлмайди» дебди. Духтир: «Яхши, даволайман,

лекин айтингчи, шу касалингизга неча йил бўлди?» деб сўрабди. «Қайси касалимга, духтир?» дебди бемор. «Унда сизни даволаса бўлади. Лекин манави кишини даволаб бўлмайди. Ҳақиқий склероз экан», деб бир беморни кўрсатибди. Бемор утирган эмиш, кулида бир нарса бор эмиш. Нуқул қўлини боши томонга олиб борар эмиш. «У нима қилаяпти?» «Нима қиларди, дори берганимга бир соат бўлди, лекин ҳалиям озгини топа олмаёпти», дебди духтир.

— Яшанг, Ҳожибой ака. Энди бундай тоифа беморлар ҳамма даврларда ҳам бўлган. Лекин бозор муносабатларига ўтиш жараёнида парижонхотирларнинг учраши табиий. Невропатологларнинг жонига тўзим берсин.

— Бозор иқтисодиётдан асло чўчимаслик керак. Бу қийинчиликларнинг ҳаммаси ўткинчи. Ҳадемай ўтиб кетади. Бекорга парижонхотир бўлган қолади.

— Репертуарингиздаги қайси ҳазил — ҳангомалар узингизга

ёқади?

— Ҳаммасиям ёқади. Лекин купроқ «Ўзбекининг гапи қизиқ» туркум ҳангомаларни яхши кўраман. Ичимда тақорлаб, ичимда кулиб юраман.

— Агар сир бўлмаса айтингчи, қайси таомни хуш кўрасиз?

— Албатта, паловни. Ўзбекларнинг аксарияти бу ажойиб таомни хуш

кўради. «Ошда кўринмадингиз?» ҳангомаси ошхўрлар даврасидан олинган.

— Чет элга чиққанмисиз?

— Ҳозирча йўқ. Бирор чет мамлакатга бормаганман. Чунки одамларнинг Ҳожибой ҳам узини тижоратга урибди, деган маломатидан қўрқаман. Масалан, аптекадан чиқсангиз, одамлар албатта касал деб ўйлашади.

— Репертуарингизда оила мавзуси алоҳида урин тутади. Умуман, оиланинг жамиятдаги роли, вазифаси ҳақида фикрларингизни билмоқчи эдик.

— Анча мураккаб савол бердингиз. Аслида ҳар қандай жамиятни оиласиз тасаввур этиб бўлмайди. Оила бўлмаганда эҳтимол жамият ҳам бўлмасди. Лекин мени бир нарса кўпдан ташвишга солиб келади. Масалан, ёш йигит-қизларни ҳаётга, турмушга ҳар томонлама тайёрламасдан туриб, оила қуришга мажбур қиламиз. 17-18 ёшга тўлган йигитни уйлантиришади. Уларнинг купчилигида на касб-ҳунар бор, на бирор соҳани ўқиб-ўрганмаган. Ҳаётни, турмушни яхши билмагандан сўнг қандай ибратли оила кура олади. Оқибатда оилага путур етади. Айниқса, суд залларида купроқ ажралаётган ёш оилаларни кўриб ачинади киши. Бу оила қуришга енгил-елпи қарашнинг оқибати. Биз ёшларни оилага тайёрлашимиз керак. Шундагина оилаларнинг умрбоқийлигини таъминлаган бўламиз.

— Кечирасиз, баъзан ёш оиланинг бузилишига ёмон қайноналар ҳам сабабчи бўладилар. Шундай эмасми?

— Энди камдан кам келин қайнонасидан рози бўлади. Қайнона сўзи негадир салбий эшитилади. Кўпинча шу сўзни эшитишим билан кўз олдимга Фармонбиби образи келаверади. Қайноналарнинг ичида яхшилари кўп, лекин жанжалкашлари ҳам топилади.

— Қайноталар ҳақида нима дейсиз?

— Қайнота оила экологиясини доимо тозалаб турадиган жонли аппаратга ўхшайди.

— Айрим оилалардаги эру — хотинлар уртасида бўлиб турадиган кўнгилсиз жанжаллар ҳақида ҳам ичакузди ҳангомаларингиз кўп.

— Анчагина. Ҳаммаси ҳаётдан олинган. «Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин» деган мақолни тезроқ аңглаб етсак, жанжаллар камроқ бўлармиди. Ҳар қалай аёл оила уставини билиб, иложи бўлса ёдлаб олса, жанжалкаш эрнинг нафаси ичида бўлади. Лекин ичкиликка берилган, булар-бўлмасга жанжал қиладиган бемаъни эрдан худо сақласин. Унинг аёлига тўзим берсин.

— Суҳбатимиз ўз-ўзидан бола тарбиясига келиб боғланапти.

— Ота-она учун бола тарбиясидан улуг вазифа йўқ. Бу ҳақда кўп гапириш мумкин. Мен болани ҳуда — беҳудага эркалатиш ёмон оқибатларга олиб келади, деб ўйлайман. Ҳеч бир ота-она ўз боласига ўғирлик қил, йўлтўсар бўл, демайди. Аслида эркалатиш ҳам меъёрида бўлиши керак. Бизда ҳалиям боланинг қобилиятига қараб тарбиялашга жиддий эътибор йўқ. Мажбурлаб ўзи хоҳламаган ўқишга қўямиз. Бировнинг олғир боласига қийсалаб, нега шундай бўлмайсан, деб дўх урамиз. Ёки йўлларини қилиб ҳарбий хизматдан олиб қолишга уринамиз. Буларнинг ҳеч бири бола тарбиясига ижобий таъсир кўрсатмайди. Хуллас, тарбия масаласида қусурларимиз кўп.

Менинг назаримда, дунёда энг буюк кашфиётлар рўй берган. Мустақиллик шарофати билан халқимизга берилган катта эркинлик туфайли таълим-тарбияни кучайтириш пайти келди. Жаҳон кашфиётларини ўқиб-ўраниш, ўзлаштириш ва мукамал билишга ҳаракат қилишимиз керак. Энди жайдарича айтганда каллани ишлаштириш пайти етилди. Яқинда рус тилида чоп этилган «Анекдоты» китобидан «КАЛЛА» ҳақида бир латифа ўқиб қолдим.

— Ҳожибой ака, суҳбатимиз сўнгидан яна бирорта янгисидан эшитилди.

— Янгиси кўп. Лекин кейинги саҳифадаги суҳбатни албатта янгисидан бошлаймиз.

— Унда «Ҳожи хандон» саҳифасида яна учрашгунча хайр.

Ашурали Жўраев
тайёрлади

БОШ МУҲАРРИР:

Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси.

МАНЗИЛИМИЗ:

700078, Мустақиллик майдони, 5-бино.

Телефон: 39-43-95
Эркин ЭШОНҚУЛОВ
навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Рўйхатга олиш № 33.
Буюртма Г-0361. 23566 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.